

Фурқат туманида аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўрсаткичи 93 фоизга чиқарилади

Фурқат туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш, ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимизга муносиб турмуш тарзини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, Фурқат тумани сув таъминоти корхонаси раҳбари Жаҳонгир Таджибаев, журналист ва блоггерлар ҳамда сув таъминоти корхонаси ходимлари иштирок этди.



Матбуот анжуманида ушбу соҳада йиғилиб қолган кўп йиллик тизимли муаммоларни ҳал этиш, ичимлик суви таъминотини такомиллаштириш, аҳолининг кундалик турмушида муҳим бўлган коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.



“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан 4.5 км, туман хокимлигининг маҳаллий маблағлари хисобидан 33.4 км, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида 4.5 км, Вазирлар Маҳкамасининг 435-сонли қарори асосида 2 км, аҳоли ва хашар йўли билан 23.85 км ичимлик сув тармоқлари тортилди. Ушбу ишлар натижасида туман аҳолисининг 88.6% тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида жами 15.13 км ичимлик сув тармоқлари тортилди.. Жумладан сифатида Президентимизнинг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли Қарорига кўра аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Истиклол” МФЙда 4 км, “Ардахшон” МФЙда 1.5 км, “Болтакўл” МФЙда 1.5 км, “Полвонтош” МФЙ 2.2 км ичимлик сув тармоқлари тортилди. Бундан ташқари аҳоли ичимлик сув таъминоти қийин ҳудуд “Шойимбек” МФЙ Булоқбоши ва Гулистон кўчаларидаги мавжуд сув қудуғини қайта таъмирланиб, 1 км ичимлик сув тармоқлари тортилди.

Туман аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида йилнинг иккинчи ярмида давлат дастурлари доирасида “Калдушон” МФЙ ҳудудидаги 11 та кўчаларга 4 млрд. 200 млн. сўм маблағ эвазига 17 км. ичимлик сув тармоғи, 2 та сув минораси, 2 та сув қудуғи 2 та сув насос ўрнатиш, “Шунқор” МФЙ ҳудудида 3 млрд. 220 млн. сўм маблағ эвазига 15.5 км. ичимлик сув тармоғи, 2 та сув минораси, 1 та сув қудуғи, 1 та қудуқ таъмирлаш, 2 та сув насос ўрнатиш, “Чеккўприк” МФЙда 2 млрд. 151 млн. сўм маблағ эвазига 11.5 км. ичимлик сув тармоғи, 1 та сув минораси, 1 та сув қудуғи 1 та сув насос ўрнатиш режалаштирилган. Бугунги кунда жараён давом эттирилиб, қозиш, тармоқ трубалари ўрнатиш, монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидланишичи, тегишли давлат дастурлари асосида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 93 фоизга чиқариш режалаштирилган.

2023-05-23 12:08:02